

Хабар

35

(936)-son

27-avgust

www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz

2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqq boshlagan

Истиклол айёмингиз муборак бўлсин!



ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ

Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра, бошқа соҳа вакиллари қатори алоқа ва ахборотлаштириш тизимининг қуйидаги ходимлари ҳам давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишди.

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими» фахрий унвони билан

АХМЕДОВ Бехзод Бахтиерович — «Ўздунробита» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий ишлаб чиқариш корхонаси бош директори.

КАРИМОВ Шухрат Мухамеджонович — «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Тошкент телеграф-телефон станцияси» филиали директори ўринбосари.

«Шухрат» медали билан

САТИМОВ Турдали Жаббарович — «Наманган Телеком» филиалининг Янгиқўрғон телекоммуникациялар боғламаси электромонтёри.

ТУРСУНОВ Лутфилло Саядмуродович — «Хабар» газетасининг масъул котиби.

Мукофотлар
қутлуг бўлсин!

Таракқиёт ва муваффақият

Яна тўрт кундан сўнг истиклолимизнинг қутлуг 19 йиллигини катта тантана, калбларимизда бир олам шодлик, кўтаринки рух, юксак ғурур билан нишонлаймиз. Биз учун ушбу сананинг ўрни ва ахамияти ниҳоятда улкан. Негаки, мустақиллик йилларида юртимизда Президентимиз бошчилигида ишлаб чиқаришнинг барча жабхаларида кенг миқёсли ислохотлар амалга оширилди, халкимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим асослари яратилди, одамларимиз ўз эзгу ниятларни рўёбини қўришдан беадад қувонч хиссини туймоқдалар.

Мен республикаимиз алоқа тизимининг бир вакилиман. Меҳнат фаолиятимнинг кўпгина қисми собиқ шўролар даврига тўғри келган ва қувонарлиси, истиклолга эришганимиздан кейинги 19 йил мобайнида республика алоқа тизимида амалга оширилаётган улкан ислохотлар, янгиланишлар, таракқиёт ва пировардида қўлга киритилаётган муваффақиятларнинг жонли гувоҳиман.

Баъзан ўйланиб қоламан: биз ким эди-гу, ким бўлдик. Ахир, алмисоқдан қолган эски АТСлар, телефон олиш учун

йиллаб навбат кутишлар, "Тез ёрдам" машинасини чақириб учун телефони бор ташкилотни қидириб зир югуришлар узоқ ўтмиш эмас. Ваҳоланки, ўша пайтда ўзга юрт одамлари ҳатто мобил телефондан фойдаланаётган эдилар. Бизнинг одамлар эса оддий, сим орқали ишлайдиган телефонга эга бўлиш учун узоқ вақт навбатда туришар, узоқда яшайдиган қариндоши билан ун дақиқа суҳбатлашиш учун бир, баъзан икки кунлаб вақтини кет-кизарди.

3-бет

ИНТЕРНЕТ ХАМКОРИМИЗ

UzNet

Internet Service Provider

сифат рамзидир

Jumadan Jumagacha

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Қаҳрамони унвонини бериш тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий соҳалар ходимлари, давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги фармонлари эълон қилинди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва бошқа бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда давлатимиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишлаб ташкил этилган “Энг улуғ, энг азиз” республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз автомобилсозлари мустақиллигининг 19 йиллик байрамини муносиб тўхфа билан қарши олишди. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз шодиёналари арафасида Асакадаги автомобил заводида жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган, замонавий дизайн ва янгича услубдаги “Chevrolet Spark” автомобили ишлаб чиқарила бошланди.

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспо-марказ” мажмуида мазкур моделнинг тақдироти бўлиб ўтди.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Индонезия Республикаси Халқ маслаҳат ассамблеяси раисининг ўринбосарлари Луқмон Ҳаким Сайфулдин ва Ҳажриянто Ясин Тохари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Илгизар Собиров билан учрашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2010 йил биринчи ярим йиллиги ижроси яқунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Бухорода Республика “Меҳр нури” жамғармаси, “Аёллар кенгаши” жамоат бирлашмаси, “Ҳаёт учун!” кўкрак беги саратони миллий уюшмаси ва бошқа бир қатор нодавлат-нотижорат ташкилотлари томонидан хайрия акцияси ўтказилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг буйруғига биноан Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан соҳада фаолият кўрсатаётган ва унинг талаб даражасида такомиллашуви ҳамда мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига ўзининг салмоқли хиссасини қўшиб келаётган бир гуруҳ алоқа ходимлари муносиб тақдирландилар. Жумладан:

Мукофотлар муборак!

“Тошкент Телеком” филиали Фазалкент телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи **Алдаберган Айнабекович УСКЕНБАЕВ**, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Тошкент почтафи филиали, Шайхонтоҳур туманларо почта алоқаси тармоғи 174-алоқа бўлими бошлиғи **Ғафур Джураевич ХАШИМОВ**, “Ўздунробита” МЧЖ ХИЧК Эксплуатация департаменти техник эксплуатация ёрдами бўлими бошлиғи **Тоҳир Закиридинович ЭШОВ**лар «МОҲИР АЛОҚАЧИ» фахрий унвони билан;

“Андижон Телеком” филиали Андижон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи ўринбосари **Азимжон Нурматович ГАФУРОВ**, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Жиззах филиали Янгиқашлоқ почта алоқаси тармоғи бошлиғи **Ботир Бўтаёрович ХУДОЙБЕРДИЕВ**, Давлат алоқа инспекцияси телекоммуникациялар ва радиоалоқа бўлими етакчи муҳандиси **Гулнора Эркиновна МАЛИКОВА**, “Электромагнит мослашув маркази” ДУК турғун ва йўлдошли алоқа бўлими бош мутахассиси **Шухрат Турсунович КЕРИМОВ**, “UNICON.UZ” ДУК Стандартлаштириш таянч ташкилоти хизмати бошлиғи ўринбосари **Елена Владимировна ПЕТРОВА**, ОАТ “Алоқабанк” Бошқарув раиси ўринбосари **Шарофиддин БАҲРИДИНОВ**, Ўзбекистон Республикаси Радиостотлар буйича Давлат комиссияси радиохизматлар учун частоталарни режалаштириш, таъминлаш ва норматив-ҳуқуқий

масалалар бўлими бош мутахассиси **Пўлат Исабаевич РИХСИБАЕВ**, “Ўздунробита” МЧЖ ХИЧК Тошкент эксплуатация бўлими коммунитация тизими эксплуатацияси гуруҳи етакчи мутахассиси **Владимир Юрьевич ЦАЙ**, “Юнител” МЧЖ тармоқни режалаштириш ва оптималлаштириш бўлими статистик маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш бўйича етакчи муҳандиси **Павел Юрьевич МОЛДОВАНОВ**, “Rubicon Wireless Communication” МЧЖ ҚҚ асбоб-ускуналарни ўрнатил ва база станцияларни эксплуатация қилиш бўлими бошлиғи **Александр Олегович ТРАНДАФИЛОВ**лар Агентликнинг «ФАХРИЙ ЁРЛИГИ» билан;

“Қашқадар Телеком” филиали ишлаб чиқариш лабораторияси муҳандиси **Махаматшариф Закирович РАЖАБОВ**, “Бухоро Телеком” филиали Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси ЛКХ ва абонент қурилмалари етакчи муҳандиси **Игор Константинович АХМЕДИЕВ**, “Хоразм Телеком” филиали линия хўжалиғи цехи 5-даражали кабел пайвандловчиси **Аҳмаджон РАҲИМОВ**, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Наманган филиали Янгиқўрғон туман почта алоқаси тармоғи “Навкент” алоқа бўлими бошлиғи **Усубжон Тошматович ДЎСТБОЕВ**, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Қорақалпоғистон филиали Чимбой тумани почта алоқаси тармоғининг “Чимбой-4” алоқа бўлими бошлиғи **Алар Абдирамановна КАРАЖАНОВА**, Самарқанд вилояти “Матбуот уюшмаси” МЧЖ

директори ўринбосари **Майсара Маруфовна КАСИМОВА**, Тошкент ахборот технологиялари университети Талабалар гузаройи комедант **Татьяна Петровна ШИРОКОВА**, ТАТУ қошидаги Мирзо Улуғбек академик лицейи физика фани ўқитувчиси **Кўшарбай Ташбаевич СУЯРОВ**, “Радиоалоқа, радиозиттириш ва телевидение маркази” ДУК Тошкент РТУМ ултрақисқа тўлқинлар йеги смена бошлиғи **Павел Ильевич ГОЛЬДВАРТ**, “Радиоалоқа, радиозиттириш ва телевидение маркази” ДУК Сурхондарё РТУМ “Жарқўрғон” РТС етакчи муҳандиси **Абдурашул Нурилович АНВАРОВ**, Давлат фелдъегерлик хизмати фелдъегер-ҳайдовчиси **Собир Султонович ЮЛДАШЕВ**, “Республика махус алоқа боғламаси” ДУК Махус топшириқлар бўйича фелдъегери **Хусан Азимович АМИНДЖАНОВ**, А.Навоий номидаги Сирдарё вилояти АКМ директори ўринбосари **Гулжан Сагинбаевна МАРИНЧЕНКО**, Ўзбекистон алоқа ходимлари касабаси уюшмаси марказий кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўйича етакчи мутахассиси **Суннатилла Абдуҳакимович АБДУҒАНИЕВ**, “Rubicon Wireless Communication” МЧЖ ҚҚ коммутаторларни эксплуатация қилиш бўлими бошлиғи **Татьяна Владимировна РЯБУХИНА**лар «ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ» белгиси билан тақдирландилар.

Мукофотлар муборак бўлсин, азиз ҳамкасблар!

ИСТР: “Хайрли ишлар кунлари”

Истиклолимиз тантаналари арафасида БМТ Тараққиёт Дастурининг “АКТ” (ИСТР) лойиҳаси хайрли ташаббусга қўл урди. 23-27 август кунлари пойтахтимизда лойиҳа томонидан “Хайрли ишлар кунлари” ташкил этилди. Лойиҳа доирасида АКТ-кўнгилчилари турли йўналишлардаги бир қанча жамоат ташкилотларида тадбирлар ўтказилди.

Тадбирнинг мақсади — эҳтиёжманд кишиларга, шунингдек, ўсиб келаётган ёш авлодга АКТ соҳасидаги билимлари даражасини оширишда ёрдам бериш, уларга компютерни мустақил равишда йиғиш, ишламай қолган қисмларини алмаштириш, компютерни соғлашни ўргатишдан иборатдир.

«Миллениум» ёшлар ижтимоий-ҳуқуқий реабилитация марказида ногирон кишилар учун ИСТР лойиҳасининг волонтер-фаоллари гуруҳи мазкур марказ аъзолари учун компютер тузилиши бўйича семинар ўтказди. Семинар бирмунча норасмий шаклда ўтказилди, тингловчилар эса, ўз навбатида, фаол қатнашиб, саволлар ҳам беришди. Саволларнинг барчаси

АКТ соҳасига оид бўлганлиги тингловчиларнинг ахборот технологиялари соҳасига бўлган қизиқиши нақадар кенглигини кўрсатди. Бу — АКТ-волонтерлар ташкил этган хайрли ишлар кунлари доирасидаги биринчи тадбир эди.

26 август куни АКТ-волонтерлар Тошкент шаҳридаги 17-мактабга ташриф буюрдилар. Кўнгилчилар гуруҳи компютер хонасини ўқув йилга тайёрлашни, шунингдек, ушбу тадбирда қатнашадиган қизиқувчи мактаб ўқувчилари билан компютерларни соғлаш кўникмаларини ўртоқлашди.

Бугун эса 21-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун компютерда ишлаш кўникмалари бўйича танлов ўтказилди. Шунингдек, лозимки, бу ерда АКТ-кўнгилчилар илгари ҳам тренинглар туркумини ўтказишган, бунда тарбияланувчиларга компютерда ишлашни ўргатишган эди.

Мазкур тренинглар баркамол авлодни тарбиялашда, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён этишида муҳим босқич вазифасини бажаради.

Ҳозирги вақтда ИСТР лойиҳасида мамлакатнинг турли олий ўқув юрларида таълим олаётган қарийб 40 нафар кўнгилчи қатнашапти.

Ўз мухбиримиз

Тараккиёт ва муваффақият

(Давоми. Бошланishi 1-бетда.)

Республикамизда истиқлолнинг оромбахш шамоли эса бошлаганидан сўнг барча соҳаларда бўлгани каби алоқа тизими тараккиётида ҳам мисли кўрилмаган ўзгаришлар амалга оширилди. Халқимизнинг йиллар давомида эриша олмаган орзу ниятлари тарихан қисқа фурсат — 19 йил давомида амалга ошди. Бугун хонадонларимиздан замонавий телефонлар, компютер ва ноутбуклар ўрин олган. Уйимизда ўтириб сайёрамизнинг исталган нуқтасидаги қардонимиз билан нафақат телефон орқали гаплашамиз, балки интернет тармоғига улашиб, уларнинг дийдорини кўришга ҳам муяссармиз. Ҳозир ҳеч ким соатлаб линияларнинг бўшашини кутмайди.

Мамлакатимиз ҳудудини тўлиқ қамраб олаётган рақамли АТСлар, оптик толали телефон линиялари, мобил алоқа хизмати жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берапти.

Бугунги кунда мобил телефонларсиз ҳаётимизни тасаввур қилиш қийин. Биргина бизнинг оилани мисол келтирадиган бўлсак, оиламизнинг ҳар бир аъзосида мобил телефон бор. Исталган дақиқада кўнғироқ қилиб, фарзандларим ва набираларимнинг қаерда ва ким билан эканлигини билиб тураман. Яқин дўстларим билан гаплашиб, кўнглим таскин топади. Энди мен каби гўзал юртимизнинг ҳар бир фуқароси

яқинларининг нафақат овозини эшитиш, балки суратини, ўзини кўриш имконига эга.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги раҳбарияти юртимиздаги алоқа хизмати дунё миқёси билан тенглашиши учун барча ишларни қилмоқда. Агентлик таркибидаги корхона ва ташкилотларда бир неча янги лойиҳа ҳамда дастурлар устида иш олиб бориляпти. Биргина 2010 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишларнинг ўзи ЎзААА томонидан қай даражада улкан ишлар амалга оширилганлигининг исботидир. Ушбу давр мобайнида соҳа корхона ва ташкилотлари томонидан 911,6 миллиард сўмлик хизматлар кўрсатилди ва бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан етти фоиз юқоридир. Ўтган йилга нисбатан алоқа хизматлари ҳажми, яъни шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар 3,5 фоизга, пул ўтказмалари 2,7, жўнатмалар 1,6 фоизга ўсди. Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони 2,94 миллион нафарни ташкил қилгани, айниқса, қувончлидир. Мен бу рақамларни сеvimли газетам "Xabar" саҳифаларида ўқир эканман, бир алоқачи сифатида қалбим ғурурга тўрди.

Нега ҳам ҳурсанд бўлмай, мустақиллик туфайли бир вақтлар тасаввур ҳам қила олмаганимиз — ривожланган чет мамлакатлар

билан яқин алоқа йўлга қўйилаётган бўлса? Юртбошимизнинг шу йил бошидаги Корея Республикасига давлат ташири доирасида Инха университети, Корея электрон технологиялари институти, Электроника ва телекоммуникациялар талқиқот институти ва "Matron" компанияси билан, кейинчалик Япониянинг NEC корпорацияси билан телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Халқаро маълумотлар узатиш тармоқларини захиралаш, магистрал алоқа тармоқларининг узлуksиз ва барқарор ишлашини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури доирасида Келес (Ўзбекистон) - Сариосиё (Қозғистон) участкасида халқаро магистрал алоқа линияси фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Янгиқашлоқ (Жиззах вилояти) - Нурота (Навоий вилояти) орилигида ТОЕ халқаро магистрал алоқа линиясига оптик толали магистрал алоқа захира линияси ташкил этиш мақсадида 165 километр масофага кабел ётқизилди. "Бухоро - Қарши - Термиз йўналишида магистрал тармоқни DWDM технологияси асосида кенгайтириш лойиҳаси доирасида Бухоро, Қарши, Ғузур, Деҳқонобод, Бойсун ва Термиз станцияларида тегишли



телекоммуникация қурилмалари ўрнатилиб, тажрибавий фойдаланишга топширилди.

Бу каби ўзгаришларни аҳолига почта хизмати кўрсатиш ҳамда "Матбуот тарқатувчи" АК тармоқларида ҳам учратиш мумкин.

Мен оддийгина санаб ўтган бу улкан бунёдкорлик ишларининг ортида тинимсиз саъй-ҳаракатлар ётибди ва буларнинг бари истиқлол берган имконият туфайли қўлга киритилляпти. Шунинг учун ҳам истиқлол ҳар бир ўзбекистонлик учун гоёт қадри. Халқимиз буни яхши билган ҳолда шукроналик билан яшамоқда, барча жабҳаларда астойдил меҳнат қилмоқда. Демак, келажгимиз бундан-да буюк бўлади, албатта.

Илҳом МИРСОДИҚОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган алоқа ходими

Одатда, шонли саналар, тантаналар, айниқса, мустақиллик байрами олдиан босиб ўтилган йўлга, йилларга назар ташланади, амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинади. 2010 йил дастлабки ярми "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Кашкадарё филиали учун муваффақиятли келди.

Отабек АВАЗОВ, филиалнинг молия ва режалаштириш бўлими мутахассиси:

— Рақам ва таҳлилларга эътибор берсак, 2010 йилнинг ярим йиллигида филиал бўйича почта хизмати кўрсатишдан 2249432,8 минг сўм даромад олинди.

Даромад бўйича ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 127,0 фоизга, почта хизматларидан, жумладан, хат-хабарлар 159,0 фоизга, обуна 89 фоизга, электр энергияси тўлови 116 фоизга ўсиши кузатилади. Биринчи ярим йилликда 3263 марта электрон пул жўнатмалари қабул қилинди. Туман почта алоқаси тармоқлари тизимидаги алоқа бўлимларида электр энергиясини тежаш мақсадида 283 дона замонавий электр ҳисоблагичлар ўрнатилди.

Умид ХОЛИКОВ, филиалнинг ахборот технологиялари бўлими бошлиғи:

— Президентимизнинг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 23та компютер жамламалари, электрон таъришлар сотиб олиниб, почта алоқаси шохбачаларига

Зафарлар йили

ўрнатилди. Саккизта туман почта алоқаси тармоғида маълумотларнинг тезкор алманишувини таъминлаш, электрон пул жўнатмалари тизимини кенгайтириш, марказлашган обунани ташкил этиш, «Биллинг» тизимини йўлга қўйиш ҳамда «Ўзбектелеком» АК «UzNet» филиали орқали ягона тармоққа уланиш ишлари амалга оширилди. Барча қўлайликларга эга интернет-кафе аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Давлат БОЗОРОВ, филиал касабга уюшмаси кўмитаси раиси:

— Баркамол авлод йили Давлат дастурини бажариш бўйича эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтожлар ҳамда имконияти чекланганларга мақсадли моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, алоқа ходимларининг фарзандларини соғломлаштириш, ходимларнинг дам олишларини яхшилаш, ёшларни ижтимоий ҳимоялаш, спортни соҳа ходимларининг кундалик ҳаётини эҳтиёжларига айлантириш, тиббий хизмат кўрсатиш янада яхшилаш, «Соғлом она — соғлом бола» ҳаракатини ривожлантириш ишлари алоҳида эътибор қаратилди. Филиал ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабга уюшмаси ўртасида 2009-2011 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг бажарилишига филиал томонидан 358599,2 минг сўм миқдоридида маблағ сарфланди.

Қувонарлиси, мустақилликимизнинг 19 йиллиги олдиан алоқа ходимлари ўртасида ўтказилиб келинаётган ушбосқичли спартакиаданинг вилоят босқичида жамоамиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди. Филиал томонидан кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга вилоят ва ма-

ҳаллий ҳокимият қарорлари асосида ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Бу каби эзу ва хайрли ишлар доимий эътиборимизда.

Раъно КИЛИЧЕВА, филиал кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўлими бошлиғи:

Бугунги кунда филиалда 866 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилади, жамоамиз ёш мутахассислар ҳисобига кенгаймоқда. Сафимизга Тошкент ахборот технологиялари университетини муваффақиятли тамомлаган узланувчан ёшлар қўшилди. Ишчи-ҳодимлар соғлиғини тиклаш, уларнинг бир маромада фаолият олиб боришларига эътибор кўчайди, улар тиббий кўрикдан ўтказилди. Филиал маъмурий биноси қайтадан тўлиқ реконструкция ҳамда капитал таъмирдан чиқарилди. Асосий ишчилар компютер саводхонлиги курсларида ўқитилди.

Интернет клублари ва кафелар сони бир неча баробарга ортди. Вилоятда почта хизматини янада яхшилаш ва иш сифатини ошириш мақсадида қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. «Почта тўғрисида»ги қонун бўйича почта корхоналари моддий-техник базаларини мустаҳкамлаш борасида бир қатор ишлар олиб бориламоқда. Почта корхоналари компютерлаштириляпти, интернетга уланмоқда, почта банк хизматлари жорий этилмоқда. Мустақиллик шарафати билан почта соҳаси ҳам тараққий этаётганлиги кўриниб турибди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг
Кашкадарё вилоятидаги муҳбири

Xalqaro haqot



АҚШ: РАҚАМЛАР ОРТИДАГИ ТАҚДИРЛАР

АҚШ 2003 йилдан буён Ироқда йўқотган аскарларини ҳисоблаб чиқди.

AP агентлигининг хабар беришича, АҚШ Ироқда ҳарбий кампания бошлаганидан бери 4416 нафар аскардан жудо бўлган. Мамлакат мудофаа вазирлиги маълумотига кўра, ушбу давр мобайнида 31926 аскар ва офицерлар араланган.

Facebook РЎЙХАТИДАГИ КОТИЛИК

Колумбия полицияси Facebook ижтимоий тармоғида пайдо бўлган ҳолат, яъни манзилларига пўписа билан муружаат қилинган ўсмирлар рўйхати устидан текширув бошлади.

Гап шундаки, тармоқ орқали бир неча ёшларга ўзлари яшаб турган Пуэрто Асис шаҳридан чиқиб кетиш таклиф қилинган, акс ҳолда уларни ўлдиришларини таъкидлашган.

Рўйхатда жами 83 фамилия келтирилган. Босим ўтказилган уч ўсмир охириги ўн кун ичида ўлдирилган.

ЖАНЖАЛДАН ҚОЛГАН ЖАСАДЛАР

Мексика шимолидаги ранчолардан бирида ҳарбийлар 72 кишининг жасадини топишган, уларнинг 14 нафари аёллардир.

Ҳарбийларнинг маълумотига кўра, одамлар нарқоушмаларнинг ўзаро отишмалари чоғида ўлдирилган. Улар бир вақтда отиб ташланганми ёки турли пайтдами, ҳали аниқланганича йўқ.

ЕВРОПАДА ТОРНАДО

Германиянинг Гессен шаҳрида кўтарилган кучли торнадо (қуон) юздан ортиқ уйга жиддий зиён етказди.

Маңбада келтирилишича, қуон бир аҳоли масканидаги ўнлаб уйнинг томини кўпориб ташлаган, яна ўттизта уйга ўнлаб бўлмас даражада зарар етказган. Бир неча дарахтлар машиналар устига қулаган. Одамлардан ҳеч ким жабрланмаган.

Гувоҳларнинг айтишича, кўшни Шлюхтенда торнадо шаҳар бўйлаб йўлак пайдо қилган. Бир неча уй томсиз қолган. Табиий офат оқибатларини бартафат этишда 250 атрофида ўт ўчирувчи ва қутқарувчилар қатнашган.

Авваллари асосан Америкада кузатиладиган торнадо кейинги пайтларда Европада ҳам кириб келяпти. Июл ойи сўнггида Чехия ғарбида илк бор торнадо рўйхатта олинган эди.

«ҒАМХЎР» ОТА-ОНАЛАР КАМОҚДА

The Daily Mail маълум қилишича, АҚШда 76 килограммми қизалоқнинг ота-онаси қонун олдида жавоб берадиган бўлди.

Бунга сабаб, полиция эр-хотин Кордонларнинг беш ёшли катта қизчасининг вазни 76 килограмм эканлигини аниқлашгани бўлган, ваҳоланки, бу ёшда унинг учун 19 килограмм меъёр ҳисобланади. Бундан ташқари, унинг сочи битлаб кетган эди. Кордонларнинг иккинчи қизи хоналардан бирида жуда исқирт тўшақда топилган: 38 килограммми тўрт яшар бу қизча (меъёр 15 кг) овқат солинган банкани сўриб ётарди.

Кордонлар қўшилларининг айтишича, улар қизчаларнинг оёқ кийим кийганини умуман кўришмаган.

Болалар реабилитация марказига жойланди, ота-оналари эса қамоққа. Эйн Кордон гаров эвазига озодликка чиқарилди, эри эса панжара ортида қолди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

BIZNES

Google тасвир қидиради

Google компанияси интернетда маҳсулотларни тасвир бўйича қидирувчи Like.com сайтини сотиб олди. Мутахассислар бундан компания тасвирли-қидирув имкониятларини яхшилаш баробарида, электрон тижорат соҳасида янги маҳсулотлар яратиш имкониятига эга бўлади, деган фикрда.

Like.com сервиси визуал концепцияга асосланган, фойдаланувчи ўзига маъқул тасвирни танласа, тизим интернет-дўконлардаги ўхшаш молларга ҳаволаларни тақдим этади. Сайт орқали кийим, пойабзал ва тақинчоқлар излаш мумкин.



Intel энди дастур ишлаб чиқаради

Intel корпорацияси McAfee антивирус компаниясини сотиб оладиган бўлди. Ҳар иккала компания директорлар кенгаши битимни бир овоздан маъқуллашди.

Ушбу битим Intelга энди мижозларига комплекс ечимлар тақдим этиш имконини беради, демак, қурилмалар ёнига дастурий маҳсулотлар ҳам қўшилади.

TEKNOLOGIYALAR

LG Appleni ортида



қолдирмоқчи

LG компанияси йил охиригача Google Android мобил амалиёт тизимига асосланган планшет компьютер чиқармоқчи. Бу ҳақда компания мобил бўлини маси маркетинг бўйича вице-президенти

Чан Ма The Wall Street Journal газетасига берган интервьюсида маълум қилган.

Жанубий Корея компанияси вакилининг айтишича, Apple iPad планшетлари ажойиб қурилма, бироқ улардан иш курули сифатида фойдаланиб бўлмайди.

«Бизнинг планшетимиз iPadдан яхшироқ бўлади, — дейди, жумладан, топ-менежер. — «iPadдан фарқли равишда LG нафақат контентни кўриш, балки уни яратиш имкониятига эга кўплаб функцияларга эга бўлади. Унда ҳужжатлар ёзиш, видеоини ишлаш, ҳатто дастурлар яратиш имкониятлари қўлланади».

«Электрон қоғоз»нинг

имкониятлари

Тайваннинг «электрон қоғоз», яъни электрофоретик дисплейлар ишлаб чиқарувчи E Ink Holdings Incorporated (E Ink) компанияси мазкур технология қўлланилиш доирасини кенгайтирмоқчи.



Компания мутахассислари ҳозир асосан электрон китоб қурилмаларида қўлланилаётган бу каби дисплейлар клавиатуралар, соатлар, реклама панелларида ҳам ўз ўрнини топишига ишонч билдиришган.

XAVFSIZLIK

Компютерларнинг ярми ҳимоясиз

G Data Software компанияси 30 ёшгача аёллар ўртасида сўровнома ўтказди, аниқланишича, уларнинг 49 фоизи ўз компютерлари ёки ноутбуклари ҳавфсизлигини таъминлаш учун ҳеч қандай дастурдан фойдаланишмас экан. Ҳар тўртинчи аёл бепул маҳсулотдан фойдаланса, яна 3 фоизи маҳсулотнинг лицензияга эга бўлмаган тижорий шакли соҳибаси ҳисобланаркан.

G Data Software мутахассисларининг фикрича, бепул ёки лицензиясиз маҳсулотлар «ёлғон ҳимоя»дан бошқа нарса эмас. Улар компютерни нари борса энг кенг тарқаган вируслардан ҳимоялайди, холос.

SALOMATLIK

Энг яхши

шрифт —

Verdana

АҚШнинг Кўриш эргономикаси лабораторияси (Vision Ergonomics Research Laboratory) мутахассислари инсон кўзи учун энг хавфсиз компютер шрифти Verdana деган хулосага келишди. Мутолаа учун энг қулай шрифт ўлчови эса 10-12 кегл деб топилди.

Verdana шрифти 1996 йили расом Мэттью Картер томонидан Microsoft корпорацияси учун чиқарилган. Шрифт ҳарфлари ҳар қандай қўшимча безаклардан холи ва жуда оддий, сатр оралиқлари ҳисобига катталаштирилган, шу боис кичик кеглда ҳам ўқилиши қийинчилик туғдирмайди.

MOBIL ALOQA

1 сонияда 6та белги

Буюк Британиялик 27 ёшли Мелисса Томпсон SMS матнини тез ёзиш бўйича рекордни янгилади. Суғурта компаниясида ишловчи бу аёл 25,94 сонияда 160та белги (символ)ни теришга улгурди.

Танлов Samsung компанияси томонидан ташкиллаштирилди ва қатнашчилар SWYPE (экрандан бармоқ ёки стилусни узмасдан туриб матн ёзиш мумкин) тизимини қўлловчи Galaxy S смартфонларидан фойдаланишди.




Компютер саводхонлиги:

Якун ва натижалар

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланган Баркамол авлод йили Давлат дастури ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Компютер саводхонлиги” талаба ёшлар отрядлари ёрдамида республика аҳолисининг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан амалда фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар режасини бажариш бўйича Тошкент ахборот технологиялари университетининг юқори босқич талабалари томонидан аҳоли учун компютер саводхонлиги ўқув курслари ташкил этилганди.

Тошкент шаҳрида мазкур отрядлар фаолияти якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Матбуот анжуманида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Ҳ.Муҳитдинов сўзга чиқди.

Мазкур ўқувлар доирасидаги ишларга мамлакатимизнинг кўпгина вазирлик, идора ва ташкилотлари муносиб ҳисса қўшишди. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида аҳолининг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш борасида амалий кўникмаларини шакллантиришга доир ўқув курслари ташкил этилди. Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар режаси асосида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, «Маҳалла» республика хайрия жамғармаси ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази кўмагида Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан амалга оширилди. Ўқув-тренинг курслари давомийлиги бир ҳафтадан иборат бўлиб,



2010 йил 5 июлдан 2010 йил 30 июлга қадар 4 ҳафта давомида турли тоифадаги тингловчилар учун ташкил этилди.

Компютер саводхонлиги ўқув курсларида ўрта махсус касб-хунар коллежлари ўқувчи ва ўқитувчилари, “Камолот” ЁИҲ ва “Келажак овози” ЁТМ фаоллари, «Маҳалла» жағармаси ходимлари ва маҳалла фаоллари, маҳаллий ҳокимлик органлари, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхоналари ходимлари — жами 15 мингдан ортиқ киши ўқитилди.



Аҳолини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таништириш ва амалий фойдаланиш ўқув курслари республиканинг барча туманларида жойлашган танлаб олинган касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг компютер синфларида ўтказилди. Ўқув курсларини ташкил этиш ва олиб боришда ТАТУ ва унинг ҳудудий филиалларининг юқори босқич бакалаврлари ва магистрантларидан жами 400 нафар талаба иштирок этди. Ўқув курслари материалларини бойитиш, тарқатма материаллар билан таъминлаш ҳамда курсларни самарали ташкил этиш учун ТАТУ томонидан 2 мингдан ортиқ махсус “Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари ҳамда интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш” номи тренинг курс қўлланмаси, тақдимот материаллари ҳамда эркин ва очиқ кодли амалиёт тизими ва ахборот технологиялари бўйича мультимедиа интерактив ўз-ўзини ўргатувчи дастурий мажмуалар ишлаб чиқилди.

Ҳисса

Ишлаб чиқариш корхоналари дейсизми ёки хизмат кўрсатиш соҳаси — барча-барчаси фаолиятини бугунги кунда ахборот технологияларисиз тасаввур қилиш амри маҳол. Корхона ва ташкилотлардаги барча ишлар компютер ёрдамида ҳужжатлаштириляпти, интернет эса нафақат ишхоналар, ҳатто хонадонларда ҳам ахборот олишда қулай воситага айланыпти. Лекин ҳамма ҳам ахборот технологияларидан бемалол фойдалана олмайди. Аҳоли ҳамда корхона ва ташкилотлар ишчи-хизматчиларига компютердан фойдаланишни ўрганишларига кўмаклашиш бугуннинг энг муҳим вазифаларидан бўлиб қолди.

Мана шу вазифани амалга оширишда биз — ТАТУ Бунёдкор ёшларининг ҳам муносиб ҳиссамиз бўлганиддан мамнунмиз. Шуниси қувончлики, ёзги таъғилимизнинг бир куни ҳам бесамар кетмади, ўтган ўқув курслари давомида Миробод туманида жойлашган политехника касб-хунар коллежида машғуллар олиб бориб, юзлаб кишиларга компютер сирларидан сабоқ бердик. Тингловчиларимиз — корхона ва ташкилотлар ходимлари маҳалла фаоллари ва ҳатто қизиққан кишилар машғулотларимизда тўлиқ иштирок этдилар.

Мен истар эдимки, юртимиз фуқаролари дунё миқёсидаги ишлардан компютерлар орқали хабардор бўлсинлар, АКТ ҳар бир корхона ва ташкилот ходимларининг яқин ёрдамчисига айлансин.

Ҳаётилла РАҲМОНОВ,
ТАТУ талабаси

Хайрли иш

Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалида ҳам 96 нафар талаба жамланган “Бунёдкор ёшлар” ҳаракати иштирокчилари таътил даврида водий вилоятларида компютер саводхонлиги курсларини ташкил этишди. Шу асосда 2880 нафар ёшлар мазкур машғулотларда иштирок этиб, нафақат компютер саводхонлиги, балки дастурлар яратиш, интернет тармоғига уланиш борасида етарли билим ва малакага эга бўдилар.

— Маҳалламизда компютерга қизиққан ёшларнинг сон-саногини йўқ, — дейди Марғилон шаҳридаги “Иқбол” маҳалла фуқаролар йиғини Раиса Баҳодиржон Ҳайдаров. — Худудимизда замонавий зарур жиҳозлар билан таъминланган бир неча компютер марказлари мавжуд бўлишига қарамай, компютерни ўргатадиган мутахассислар йўқ эди. ТАТУ Фарғона филиали бевосита кўмагида ўнга яқин маҳалла ёшлари компютер билан ишлашни ўзлаштириб олишди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ



Факт

ТАТУ талабалари иштирокида “Бунёдкор ёшлар” ўқув отрядлари томонидан ташкил этилган “Компютер саводхонлиги” курсларида “Ўзбекистон почтаси” очик акциядорлик жамияти тизимида фаолият юритаётган 2149 нафар почта ходимлари компютер саводхонлиги бўйича ўз малакаларини оширдилар.


С.АҲАДОВ

ВЫШЛА В СВЕТ

серия почтовых марок
«Прикладное искусство.
Золотое наследие»

В соответствии с приказом Узбекского агентства связи и информатизации 25 августа 2010 года вводится в обращение подготовленная ОАО «Узбекистон почтаси» серия почтовых марок «Прикладное искусство. Золотое наследие».

Серия почтовых марок изготовлена в виде почтового блока из 4 марок.



Общая тематика — прикладное искусство XIX века городов Хива и Бухара, расположенных в Центральной Азии. На марках изображены изделия умельцев Узбекистана XIX века.

На первой марке изображен медный сосуд, который использовался в быту как сосуд для хранения продуктов, на второй марке изображен сосуд с пиапой, третья марка иллюстрирует сосуд для мытья рук, который использовался в богатейших домах городов, а на четвертой — поднос и сосуд для воды.

Все использованные в марках иллюстрации как нельзя лучше отражают историческое наследие искусства Центральной Азии того времени.

Марки многоцветные, размер почтового блока 117x99мм, почтовой марки в блоке и почтовых марок 30x42мм.

Дизайнер почтового блока и почтовых марок Е.Каревич, художник З.Ган.

«ICTNEWS»

стало доступно онлайн

Компания «СIB GROUP» объявила о начале публикации электронной версии информационно-аналитического издания сферы связи и информатизации «ICTNEWS».

Целью нововведения является расширение аудитории журнала и создание возможностей для более продуктивного использования специалистами публикуемой в издании информации.

«Запуская электронную версию «ICTNEWS», мы учитывали, что основную массу наших читателей составляют пользователи компьютеров, — отметил главный редактор издания Ижод Аглымов. — Поэтому можно с уверенностью говорить об удобствах, которые создаст для них электронный бюллетень».

Полная версия «ICTNEWS» в формате PDF будет до конца 2010 года бесплатно доступна зарегистрированным пользователям сайта об ИКТ «СIBNEWS.com» в разделе «Издания».

«Надеемся, читатели по достоинству оценят возможность получить доступ к материалам журнала в первый же день его выхода в свет, не дожидаясь доставки печатной версии», — добавил Ижод Аглымов.

Помимо публикации электронной версии «ICTNEWS» в интернете, в ближайших планах редакции — организация рассылки журнала подписчикам на компакт-дисках.

Редакция «ICTNEWS» намерена до конца сентября изучить мнение пользователей о нововведении и на основе этого принять решение о переходе на полное или частичное электронное распространение издания.

Стоит отметить, что открытие электронной версии «ICTNEWS» совпало с запуском обновленного по содержанию и дизайну номера бюллетеня.

Издание «ICTNEWS», публикуемое с января 2010 года, предоставляет широкому кругу читателей новостные и аналитические материалы о достижениях в сфере связи и информатиза-



ции, внедрения и применения ИКТ в государственном управлении, бизнесе и социальной сфере.

Бюллетень ориентирован на руководителей и специалистов учреждений, организаций и предприятий отрасли, а также всех, кто интересуется информационно-коммуникационными технологиями и стремится быть в курсе последних событий.

Бюллетень распространяется на всей территории Узбекистана, в том числе среди органов государственного и хозяйственного управления, посольств и международных организаций, предприятий и организаций сферы связи и информатизации.

«ICTNEWS» выходит с периодичностью два раза в месяц тиражом 1000 экземпляров на узбекском и русском языках. Выпуском и распространением бюллетеня занимается ООО «СIB GROUP».

Ольга КИРЬЯКОВА

Доменное имя теперь стоит всего 16 000 сум

В честь празднования 19-летия независимости нашей Республики, Центр UZINFocom в лице Администрации доменной зоны «UZ» учел пожелания Регистраторов и изменил тарифные планы с учетом перехода на национальную валюту — сум.

Таким образом, с 1 сентября 2010 года, стоимость для Регистраторов за регистрацию и продление одного доменного имени на 1 календарный год составляет 16 000 сум, на 3 календарных года — 48 000 сум.

Задать интересующий вопрос по смене тарифных планов можно на объединенной форумной площадке uForum.uz в специальной теме.

В домене UZ всегда хорошие новости!

Ucell: достигнут рубеж в 6 миллионов абонентов

ИП ООО COSCOM достиг рубежа в 6 млн. абонентов (в соответствии с правилами учета абонентов Республики Узбекистан).

Количества абонентов UCell растет быстрыми темпами. Это стало возможным благодаря развитию сети UCell и расширению зоны покрытия во всех областях Узбекистана, внедрению инновационных услуг, а также запуску новых тарифных планов, отвечающих разнообразным потребностям клиентов.

«6 миллионов — это значительное достижение для нашей компании. Мы искренне благодарны всем нашим абонентам за их доверие», — сказал г-н Огуз Мемитовен, генеральный директор ИП ООО COSCOM. «Мы рады, что наша компания показывает впечатляющую динамику роста абонентской базы. UCell будет радовать своих абонентов новыми интересными предложениями».

Как известно, UCell является одним из пионеров по внедрению новейших мобильных технологий, таких как 3G и недавно запущенный 4G. Абоненты UCell уже сейчас могут пользоваться всем спектром услуг для общения и развлечений, осуществлять видеозвонки, пользоваться Интернетом и широкополосным обменом данных посредством мобильного телефона. Предоставление инновационных и удобных услуг, а также высокое качество связи и обслуживание абонентов на высоком уровне являются для компании основополагающими принципами работы. UCell позволяет каждому абоненту быть всегда на связи и сделать свою жизнь насыщеннее и интереснее.

RAMBLER больше не ищет

После объединения с «Афишей» Rambler может отказаться от собственного поиска. Компания рассматривает возможность заключить партнерское соглашение с «Яндексом» или Google. Если это произойдет, может пострадать бизнес «Бегуна» — оператора контекстной рекламы, основным партнером которого является Rambler.

В схожей ситуации с Rambler недавно оказалась американская компания Yahoo!, которая заменила свою собственную поисковую машину на движок, разработанный компанией Microsoft.

ЗВУКОЗАПИСЫВАЮЩИЕ КОМПАНИИ предлагают изменить законодательство

Американская ассоциация звукозаписывающих компаний (RIAA) предлагает изменить действующий с 1998 года закон о защите авторских прав в цифровую эпоху (DMCA).

Президент RIAA Кэри Шерман заявил, что в данной редакции закон позволяет провайдерам и интернет-компаниям не обращать внимания на нарушения авторского права со стороны пользователей.

ITV ОТ APPLE убьет кабельное и спутниковое телевидение...


Кевин Роуз, основатель известного портала Digg, со ссылкой на инсайдерские источники опубликовал новые сведения о будущем медиаплеере компании Apple — iTV. По словам Роуза, это устройство появится на американском рынке в сентябре и будет стоить 99 долларов.

Появление iTV, как считает эксперт, «изменит все». Роуз поясняет, что новое устройство в конце концов погубит системы спутникового и кабельного телевидения, так как все, что пользователю будет необходимо, это подключение к глобальной сети.



“ALSKOM” суғурта компанияси жамоаси

*Алоқа соҳаси ходимлари ва мамлакатимиз
аҳлини Истиқлолимизнинг 19 йиллик
тантанаси билан муборак этади.
Осмонимиз мусаффолигига кўз тегмасин!*





ДАВЛАТ АЛОҚА-ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

*Серқуёш юртимиз
аҳолисини яқинлашиб келаётган
Истиқлол айёми билан
табриклайди.
Истагимиз – юртимиз
янада обод, хонадонларимиз
фаровон бўлсин!*

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК “ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

*Гўзал диёримиз
аҳолисини
тобора яқинлашаётган
Мустақиллик
байрами
билан табриклайди.
Шу азиз Ватан
барчамизники.
Унинг тинчлиги ва
гўзаллигини
кўз қорачигидек
асрайлик!*



*Қадрли Ватандошлар!
Байрамингиз муборак!
Эрк ва озодлик байроғи бошимиз
узра доимо ҳилпираб турсин!*

“O'ZIMPEKSALOQA” YAJ ЖАМОАСИ

Ватанмиз мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида "Навоий" халқаро аэропортида янги юк терминали фойдаланишга топширилди.



TUNFA

Дунёни чорлаётган Навоий

Халқаро аэропортда яна бир янгилик

Унинг очилиши — "Кореан Эйр" авиакомпаниясининг фаол иштирокидаги "Навоий шаҳри аэропорти негизда халқаро интермодал логистика марказини ташкил этиш" инвестиция лойиҳасини амалга татиқ этишнинг навбатдаги босқичидир.

Президентимизнинг 2008 йил 25 февралдаги Корея Республикасига таширидан сўнг "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ҳамда "Кореан Эйр" авиакомпанияси ўртасида Ўзаро англашув меморандумининг имзоланиши янги бозорларни ўзлаштиришда амалдаги ҳамкорликни кенгайтириш, жумладан, аввал эришилган икки томонлама келишулар туфайли Ўзбекистонда логистика инфратузилмасини ривожлантириш, фуқаро авиациясини бошқаришда тажриба алмашиш, ходимларни тайёрлаш борасида олиб борилган самарали ҳамкорликнинг натижаси бўлди.

Бугунги кунда аэропорт кечаю кундуз фаолият юритиб, бир кунда 10та Боинг-747 русумидаги катта юк ҳаво лайнерларига хизмат кўрсатиш имконига эгадир. Бундан ташқари, у ҳаводаги ҳаракатни бошқариш замонавий мажмуаси билан жиҳозланган бўлиб, барча турдаги самолёт-

ларни қабул қила оладиган узунлиги 4 км. учиб-қўниш йўлаги ҳамда 5та Боинг-747 русумидаги катта юк самолётлари учун мўлжалланган туриш жойига эга.

Интермодал логистик марказнинг янги юк терминали бир суткада 300 тонна юкка хизмат кўрсатади. Бир йилда бу кўрсаткич 100 минг тоннани ташкил этади. Жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган янги юк терминалидан бта юк тушириш ва ортиш станцияси, 5 ва 20 тонналик тарози, совуттич, музлаттич ва иситиш камералари, тез бузиладиган маҳсулотларни сақлаш ҳудудлари мавжуд.

Янги терминалнинг фойдаланишга топширилиши Навоий аэропорти негизда барпо этилаётган интермодал логистика марказининг қувватини максимал даражага етказиш, кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини, шу жумладан, даромадни ошириш, самарадорлик ва рентабелликка эришиш, тақдим этилаётган логистика хизматлари сифатининг энг юқори жаҳон стандартларига мувофиқлигини таъминлаш имконини беради.

Маруза ҲОСИЛОВА,
"Xabar"нинг

Навоий вилоятидаги мухбири

AKM HAYOTIDAN

Аскарларга совғалар

Мустақиллик байрамига тайёрларлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ тadbирлар халқимиз, айниқса, ёш авлод қалбида она юрт тупроғини кўзга тўтиё қилиб яшаш, Ватанга меҳр ва садоқат туйғусини юксалтиришда катта аҳамият касб этмоқда.

Ана шундай тadbирлардан бири Мудофаа гарнизони тасарруфидаги 53765-ҳарбий қисмда бўлиб ўтди. Республика маънавият тарғиботи маркази Андижон шаҳар бўлими, Бобур номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази ва ҳарбий қисм ҳамкорлигида ташкил этилган "Мустақиллик — энг улуг неъмат" мавзусидаги бу давра суҳбати ҳарбий қисм хизматчи ва аскарларида катта таассурот қолдирди.

Тadbир якунида мустақиллик мавзусидаги савол-жавобларда фаол иштирок этган аскарларга эсдалик совғалари топширилди.

М.ШОКИРОВА,

Вилоят АКМ сектор мудири

Суронли йиллар

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда Бобур номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳамкорлигида Ўзбекистон халқ ёзувчиси, ўзбек драматургияси ривожига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган ҳамюртимиз академик Комил Яшин таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан "Суронли йилларда кечган умр" мавзусида хотира анжумани ўтказилди.

Сўзга чиққанлар Комил Яшиннинг ўзбек адабиётшунослиги, адабий танқидчилик, кино ва театр санъати ва публицистикасига қўшган салмоқли ҳиссаси ҳақида гапирдилар.

Анжуман якунида иштирокчиларга АКМ ходимлари томонидан Комил Яшин ҳаёти ва ижодига бағишланган "Суронли йилларда кечган умр" мавзусидаги услубий-библиографик қўлланмалар тақдим этилди.

Н.МАШРАБОВА,

Вилоят АКМ етакчи кутубхоначиси

РАДИОАЛОҚА, РАДИОЭШИТТИРИШ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

Юртимиз аҳолисини умумхалқ байрами — Мустақиллик кўни билан муборакбод этади.



**Азизлар!
Озодлик қуёши бошимиз
узра мангу нур сочсин!**

**"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АК
"ЖИЗЗАХ ТЕЛЕКОМ"
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**



**Юртдошларимизни
яқинлашиб келаётган
мамлакатимиз
Мустақиллигининг
19 йиллик байрами билан
муборакбод этади!**

Муқаддас Ватанда азиздир инсон!

Бухоро туманида ҳозирги пайтда 5900та телефон нуқтаси бўлиб, уларнинг 2300таси туман маркази — Галасоёиё шаҳрига тўғри келади. Турган гапки, аҳолига сифатли алоқа хизмати кўрсатишда жойларда фаолият олиб бораётган қишлоқ телефон тармоғи линия электро-монтажёри зиммасида ҳам катта масъулият бор.

Мазкур касба ишловчилар, жумладан, ЛКХ қурилмаларини жорий таъмирлаш ишларини етук му-таассис сифатида амалга ошира-дилар. Улар келиб чиқадиган шика-стланишлар бўйича “08” хизматига тушадиган буюртмаларни назорат муддатларида тузатиш, телекомму-никациялар боғламаларида марке-тинг хизматини ривожлантиришда, телефон ўрнатиш режаларини бажаришда амалий ёрдам берадилар, шунингдек, рақамли АТС мижозла-рига қўшимча хизмат турлари бўйи-ча тегишли маълумотларни бериш ва аҳоли ўртасида тарғибот-ташви-қот ишларини олиб бориш ҳам ҚТТ линия электро-монтажёри зиммаси-даги муҳим вазифалардан.

Туман телекоммуникациялар бо-ғламосида айнан шу вазифада рошпа-



роса 34 йилдан бери ишлаб келаёт-ган Норқул Раҳимов асосан Новме-тан қишлоқ фуқаролар йиғини ҳуду-дидаги Қозисайд, Зарманок, Хўжа-ҳайрон, Уба, Мулкисайдон ҳамда Новметан қишлоқлари аҳолисига хизмат кўрсатади. Ушбу ҳудудда 1000га яқин хонадон бўлиб, уларнинг акса-рияти телефонлаштирилган.

“1975 йилда Мўғулистонда ас-карлик бурчимни ўтаб қайтгач, бир муддат қишлоқ хўжалигида ишла-шимга тўғри келган, — дейди у. — Бироқ, алоқа соҳасида ишлаш иш-тиёқи устун келганлиги боис, ора-дан кўп ўтмай ҳозирги “Алоқаин-вест” АЖнинг Бухородаги кўчма механизациялашган жамланмасида меҳнат қила бошладим. Уша йилла-ри ҳудудимиздаги бор-йўғи 50та хонадонда телефон бор эди, холос. Истиқлолимизнинг дастлабки йил-ларидан соҳани ривожлантиришга эътибор берила бошлагач, 1992 йил охирларига келиб, Новметан ҚФЙдаги телефон нуқталари сони 200тага етказилди. Орадан яна би-роз вақт ўтгач, аниқроғи, 2005 йилда Япониянинг умумий сифими 480 рақамдан иборат “NEAX — ЭЛУ” замонавий станцияси ҳудудимизда иш бошлагач эса мижозларга сифат-ли хизмат кўрсатишда янги имко-ниятлар пайдо бўлди”.

Мустиқил диёримизда ана шун-дай кишилар бор экан, “Бу муқад-дас заминда азиздир инсон” шио-ри оддий бир даъват эмас, балки ўз мазмун-моҳияти билан мамлақати-мизнинг бугунги ва эртанги ёруғ кунларига теран нигоҳ ташлаб тур-ган озод, ҳур ва эркин юртдошларимиз қалбидаги Ватан туйғусига ҳамоҳанг тарзда ўзига хос чорлов сифатида баралла янграйвереди.

Асқар ИСТАМОВ,
“Хабар” нинг Бухоро
вилоятидаги мухбири

“O‘ZBEKISTON TELEKOMMUNIKATSIYA TARMOQLARINI BOSHQARISH RESPUBLIKA MARKAZI” ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини Мустиқиллик байрами билан қутлайди. Қадрли ҳамюртлар!

Шундай улуг ва муборак кунда сизларга табрик йўллаётганимиздан мамнунмиз.



Дунёда ажиб бир хикмат мавжуддир:
Агар бўлмаг десанг бахтингдан жудо,
Агар яшай десанг рози бир умр,
Ватанинг тинч бўлсин, Ватан аввало.

Она сути билан кирган муҳаббат

IFTIXOR

Бир паҳлавон ўғил бўлсинки...
Она чақалоғини бағрига босди. Юра-гининг қат-қатларидаги энг покиза, энг қудратли туйғудан энтикди:

Шундай эр йигит бўлиб камол топ-гинки...

Сен билан нафақат биз-ота-онанг, балки бутун эл-юрт гурурлансин. О, жоним-жаҳоним болам, сен марди май-дон аскар бўласан, Аскар! Салобатинг, салоҳиятинг билан дунёни лол қолди-рган Ватан ҳимоячиси, эл-юрт осойиш-талиғи-тинчлигининг метин посбони бўласан!

... «Сизларни «Н» қисмга «Қасамёд кун»га таклиф этамиз...

Лолахон таклифдан боши осмонга етди. Акбаржонни доялар авайлабгина қўлга тутқазган кунларда бошидан кеч-чирган оналикнинг чексиз меҳр-муҳаб-батли онлар, дилбандини ҳақиқий эр йигит қилиб тарбиялай деб чеккан заҳ-матларини умидбахш кунлари бир-бир кўз ўнгидан ўтди. Таклиф унга «Уғил ўстирганингиз учун ташаккур!» деган-дек ўзгача таъсир қилди. Кўзларидан тўлиб-тошган ёшларини тўхтатолмади. Ҳали маросимда қатнашмай туриб шу куйга тушсам-а! Субҳаналлоҳ. Худо де-

ган етар, деганлари шудир, эҳтимол. Эндигина дунё юзини кўриб, «инга-инга»си оламини тутган болажонининг пешонасига лабларини босиб, не-не эзу ниютлар қилган бўлса, ижобатини кўриб турибди-ку! Етказганига шукур. Она учун бундан ортиқ бахт борми?

Она Гулистонга — ўғлон хизмат қила-ётган ҳарбий қисмга йўл олди. Бора-бор-гунча бахт-иқбол туйғулари бир сония бўлсин уни тарк этмади. Ниҳоят, либоси қад-қоматига ярашган аскар ўғлонлар саф-саф бўлиб тизилганча Президентимизга, Ватанимизга ҳарбий қасамёд қилдилар. Бу шунчаки тартиб эмасли. Орият ва сало-қатни ҳамма нарсадан устун қўйган ас-карлар йигитлик шимми, ору номусини ўртага қўйиб, ўз зиммасидаги масъулият-ли ва шарафли бурчини адо этишга бел боғлаб, аҳду паймон қилдилар.

Қасамёд қиламиз!...
Бу хитобдан барча-барча бобо-буви-лар, ота-оналар, яқин қариндошлар қалбларида энг муқаддас туйғу — Ва-тан туйғуси жўш уради. Аскар давлатимиз байроғини ўпаётганда онажон-лар кўзларидан тошган инжуларини тўхтата олмайдилар. Бу кун яйпанлик Лолахон Имомназарова учун ҳаётида-

ги энг саодатбахш кун эди. Фарзанди Акбаржон учун ҳам.

— Менга икки кунга жавоб бериш-ди, — деди ўғил. — Сизга Тошкенти азимни кўрсатиб келсам, нима дейсиз?

Лолахон бирам суюниб кетдики, асти қўяверинг. «Қандай яхши, «Ватанга қасамёд» ҳайкалининг ҳам кўргани олиб борасан-а!» деди ўғилнинг дийдорига тўймай боқаркан. Шу йил 14 январ — Ватан ҳимоячилари кун арафасида «Ва-танга қасамёд» ҳайкалининг очилиш ма-росимини телевизорда кўриб, «Қаний-ди, ўз кўзим билан кўрсам», дея ниют қилганли. Орузи ушаладиган бўлди.

Она-бола «Ватанга қасамёд» ҳайка-ли — энг кўркам боғ қўйнида барпо этилган муҳташам обида пойига гуллар қўйишди. Таниш манзара. Эл-юртнинг содиқ фарзанди, ёшларимиз учун маъ-нан ва жисмонан етуклик, мардлик тимсолига айланган салобатли ҳайкал давлатимизнинг бебаҳо рамзи — бай-роғимизни кўзига тўтиё қилиб, Ватан ҳимояси учун, ота-боболаримиз ҳоқи ётган қутлуғ заминнинг ҳар қарич ту-проғини асраш учун тайёрман деб қасам ичмоқда. Лолахон қалбини яна фахр-ифтихор туйғулари қамраб олди...

Фаргона вилояти алоқачилари ора-сида яйпанлик Лолахон Имомназарова каби юртга муносиб фарзандлар тар-биялаб берганлар кўплаб топилди. Шу муборак кунларда уларнинг кўксилари сарбаланд. Дунё тинч бўлсин, Ўзбеки-стонимиз янада гуллаб-яшнасин, дея қўллари дуода.

Яқинда Фаргона вилояти миқёси-даги катта тантанада аскар оналарига ҳурмат-эътибор, иззат-икром кўрсатил-ди. Улар орасида сўхлик Сожида опа Исобоева, фарғоналик Дилфузахон Жақбаровва, қўқонлик Ҳавасхон Алёро-валар билан суҳбатда бўлдим. Маълум бўлишича, улар ҳам аскар ўғиллари билан пойтахтимиздаги «Ватанга қасамёд» мажмуаси зиёратига бориб, юраклари жизиллаб кетганларини тўлқинланиб эсладилар. Ҳаётда аник мақсад ва эътиқод билан яшайдиган, Куролли Кучларимизнинг энг ишончли таянчи ва суянчи бўлган аскар ўғлон-ларни воёга етказган оналарнинг фахр-ифтихор туйғулари балққан чеҳралари жуда мунис, жуда муътабар эди.

Ҳафиза САЛҲОВА,
“Хабар” нинг


Фаргона вилоятидаги мухбири

“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ НАВОИЙ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

1 сентябр – Мустақиллик куни
муносабати билан юртдошларимизга
эзгу тилаklarини йўлайди.



Байрам нафаси халқимиз турмушига
фаровонлик, тинчлик-тотувлик
олиб кирсин!



Миллий қадриятларимиз, шарқона
урф-одатларимиз, тарихий
ҳақиқатларнинг тикланиши —
Истиклол шарофатидандир.
Энг улуг, энг буюк байрам
барчангизга муборак бўлсин!

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК
“ФАРФОНА ТЕЛЕКОМ”
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

TAS-IX:

“USB-МОДЕМ Билайн” билан бепул

“Билайн” “Klik Modem” ва “Klik Maksi” тариф режаларининг яхшилангани ҳақида маълум қилди.

Эндиликда TAS-IX ҳудудида жойлашган интернет-сайтлар “Klik Modem” ва “Klik Maksi” тарифларига уланган “Билайн” абонентлари учун 01:00 дан 09:00 гача бепул етказиб берилди.

Воқеани шарҳлар экан, “Unitel” Оммавий бозорни ривожлантириш бўйича тижорат директори Марат Сериков шундай деди: “Сўнгги вақтларда биз мобил интернет сегментига бир қатор талбирларни ўтказдик ва ундан фойдаланиш имконияти янада кўпайди. Ҳозирда биз TAS-IX ҳудудида тўнги вақт мобайнида “Klik Maksi” абонентлари ва “USB-модем Билайн” хизматидан фойдаланувчилар учун тарифлашни бекор қилдик. Эндиликда, бизнинг mijozларимиз USB-модемдан фойдаланишар экан, TAS-IX сайтлари умуман бепул бўлишига ишонч ҳосил қилишлари мумкин. Ишончим комилки, бу маҳаллий ресурслар машҳур бўлишига ҳам ўз улушини қўшади”.

USSD-коддини *110*053# га юбориб, хизматга уланиш мумкин. Мазкур хизматдан фойдаланиш учун “local.beeline.uz” янги етарлилик нуқтасини яратиш керак.

Эслатиб ўтамиз, 30 июлдан “USB-модем Билайн” фойдаланувчилари учун “Klik Modem” ва “Klik Maksi” тарифлари ўртасида ўтиш очик. Тарифлар ўртасида ўтиш баҳоси — \$0.

UCell: Балансни тўлдириб, Chevrolet Captiva автомашинасини ютиб олинг

ХК COSCOM МЧЖ ўзининг Prepaid тизими абонентлари учун “Capucell” акциясини тақдим этади. Абонентлар ўз телефон балансини тўлдириб боришлари кифоя: юзлаб совринлар, шу жумладан, супер ютуқ — Chevrolet Captiva автомашинасини ютиб олиш имкониятига эга бўлади.

Ғолиблар учун умумий ҳисобда 5та Chevrolet Captiva автомашинаси, 50та LCD телевизор, 25та кир ювиш машинаси, 100та микротўлқинли печ ва 250та DVD плейер ҳамда кўплаб бошқа совғалар мавжуд. 2400дан ортиқ совринлар ўз эгаларини кутмоқда. “Capucell” акцияси жорий йилнинг 16 августидан 2011 йилнинг 31 январигача давом этади.

Акция қоидалари оддий. Ҳар бир баланс тўлдирилганда ҳар бир 5 минг сўм учун бир балл берилди. Яъни, масалан, 15 минг сўмга баланс тўлдирилганда абонент 3 баллга эга бўлади. Уяли алоқа хизматига қанча кўп тўласангиз — шунча кўп балл тўпланиб, совринлар ютиб олишга имконият ҳам шунча катта бўлади. Асосийси — ҳар бир баланс тўлдириш миқдори 5 минг сўмдан кам бўлмаслиги лозим.

Акция беш босқичдан иборат бўлиб, ҳар бир босқич якуниланганидан сўнг супер-ютуқ сифатида Chevrolet Captiva автомашинаси мазкур босқич давомида энг кўп балл тўплаган абонентга топширилади. Бошқа абонентлар тўплаган баллар миқдори асосида LCD телевизор, кир ювиш машинаси, микротўлқинли печ, DVD плейерлар ва бошқа қимматбаҳо совринларни кўлга киритадилар.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Учкўприк почта алоқаси тармоғи хабарчилари Носиржон ХИДИРОВни 60 ёши, Турсунали ДАДАБОВЕВни 55 ёши, Риштон ва Бағдод почта алоқаси тармоқлари ходимлари Турсунали Шамсиев ҳамда Хосиятхон ҲАМРАЛИЕВЛАРни 50 ёши билан чин дилдан табриклайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар роҳатини кўришликни тилайди.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

“EAST STARK-TV” хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) ўз аризасига мувофиқ теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича (кабелли телевидение) фаолиятига берилган АА серияли 0001065 рақамли; “UNIVERSAL TELEVISIONS OPERATORS” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) ўз аризасига мувофиқ теледастурлар тарқатиш тармоқларини қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003142 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2010 йил 17 августдан тугатилди.

“RUXSOR TELERADIOKONALI” масъулияти чекланган жамиятининг (Фарғона ш.) ўз аризасига мувофиқ:

- радиодастурлар тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002969 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2010 йил 17 августдан тугатилди ва мазкур лицензияларнинг муддатига мос равишда радиодастурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига ва теледастурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига лицензия расмийлаштириб бериш юзасидан қарор қабул қилинди.

- теледастурлар тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002969 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2010 йил 17 августдан тугатилди ва мазкур лицензияларнинг муддатига мос равишда радиодастурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига лицензия расмийлаштириб бериш юзасидан қарор қабул қилинди.

Олимпиададан навбатдаги медаллар

Сингапурда давом этаётган ўсмирлар ўртасидаги I Олимпия ўйинларида истеъдодли дзюдочимиз Мансур Мўминхўжаев кумуш медалга сазовор бўлди.

Ўзбекистон биринчилиги ғолиби, Осиё биринчилигининг кумуш ва бронза медали совриндори Мансур Мўминхўжаев яна бир нфузули совринни кўлга киритди. Вазни 55 килограммгача бўлган дзюдочилар беллашувида Фахария Такидин (Комор ороллари) ҳамда Субаш Ялвани (Хиндистон) енгган 17 ёшли полвонимиз финалда рақибига кичик ҳисобда имкониятни бой берди ва Олимпиаданинг кумуш медали билан тақдирланди.

Ўсмирлар Олимпиадасида ёш боксчиларимиз ҳам муваффақиятли қатнашди. Уч нафар боксчимизнинг барчаси Олимпия медали билан қайтадиган бўлди. Зоҳиджон Хурбосев ва Сардор Бегалиев терма жамоамиз ҳисобига яна бир жуфт бронза медал қўшди.

Қирқ саккиз килограмм вазн тоифасида рингга чиққан жаҳон чемпиони совриндори Зоҳиджон Хурбосев учинчи ўрин учун ўтказилган беллашувида сингапурлик Ҳамид Моҳдни 7:0 ҳисобида енгди. Оғирлиги 81 килограммгача бўлган боксчилар баҳсида қатнашган Сардор Бегалиев эса эквадорлик Италио Перае устидан 5:2 ҳисобида зафар кучди.

Яна бир маҳоратли боксчимиз Аҳмаджон Мамажонов финал учрашувида бразилиялик Давид Лоуренсога қарши рингга чиқди. Осиё чемпиони А.Мамажонов Сингапур Олимпиадасида Ўзбекистон терма жамоаси ҳисобига олтин медални кўшиш учун яхши имкониятга эга эди. Аммо финалда ундан омад юз ўқирди ва кумуш медал билан кифояланди.

Ҳозирча ўзбекистонлик спортчилар ҳисобида учта кумуш ва бешта бронза медал мавжуд.

“ТошТТС” жамоаси – спартакиада ғолиби

Юртимизда фаровон келажагимиз бунёдкорлари бўлмиш ёшлар тарбияси, уларнинг маънан етук, жисмонан бакуват инсонлар сифатида камол топишлари учун қулай шaroитлар яратилган. Бунинг самараси ўларок, жойларда, корхона ва ташкилотларда турли спорт мусобақалари, спартакиадалар кўтаринки руҳда ўтказиб келинмоқда.



Кўпкураш

- 1-ўрин. UNICON.UZ жамоаси
- 2-ўрин. Uzinfocom жамоаси
- 3-ўрин. ЎзТТБМ жамоаси

Тақдирлаш маросимида ғолиб ва совриндорларга турли даражадаги диплом ва совғалар топширилди. Спартакиаданинг махсус кубоги умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни кўлга киритган ТошТТС жамоасига топширилди.



Шахмат (эркаклар):

- 1-ўрин. Х.Бобомуратов (ТАТУ)
- 2-ўрин. М.Содиқов (ТошТТС)
- 3-ўрин. Б.Шоумаров (ЎзНЕТ)

Шахмат (аёллар):

- 1-ўрин. Т.Агзамова (ТошТТС)
- 2-ўрин. Г.Икромова (ТАТУ)
- 3-ўрин. Р.Миндулина

(UNICON.UZ)

Стол тенниси (эркаклар)

- 1-ўрин. О.Гапуров (ЎзТТБМ)
- 2-ўрин. Р.Якубов (ТошТТС)
- 3-ўрин. Э.Якубов (Ўздунобита)

Стол тенниси (аёллар)

- 1-ўрин. Л.Сағитова (МАТБ)
- 2-ўрин. Ю.Балова (Ўздунобита)
- 3-ўрин. Ш.Сабилова (ДАИ)



Мусобақаларда биринчи ўринларни кўлга киритган алоқачилар спартакиаданинг республика босқичида пойтахт шарафини ҳимоя қилишди.

Шу йилнинг 19-20 август кунлари Тошкент ахборот технологиялари университети спорт залида Истиқлолимизнинг 19 йиллиги ҳамда Баркамол авлод йилига бағишлаб алоқа соҳаси ходимлари ўртасида республика спартакиадасининг иккинчи босқич мусобақалари ўтказилди. Унда Тошкент шаҳридаги алоқа корхона, ташкилот ва муассасалари ходимларидан тузилган 17 жамоа иштирок этди.

Мусобақалар шахмат, шашка, стол тенниси ва кўпкураш бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида ўтказилди.

Демак, мусобақа ғолиб ва совриндорлари билан танишинг:

Рус шашкаси (эркаклар):

- 1-ўрин. Т.Шоҳалилов (МАТБ)
- 2-ўрин. Ш.Тўлаганов (ТошТТС)
- 3-ўрин. И.Раҳимов (Тошкент почтамти)

Рус шашкаси (аёллар):

- 1-ўрин. А.Ахметова (Uzinfocom)
- 2-ўрин. С.Турсунова (РТУМ)
- 3-ўрин. К.Иноғомова (Тошкент почтамти)



Вадим Менков: “Ғалабамни Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишлайман”

Полшанинг Познан шаҳрида байдарка ва каноеда эшкак эшиш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Вадим Менков биттадан олтин ва бронза медални кўлга киритди.

Тошкент аэропортида Ўзбекистон спорт делегациясини тегишли вазирлик ва идоралар, спорт жамоатчилиги, оммавий ахборот воситалари вакиллари, мухлислар тантанали кутиб олди.

Познан шаҳрида ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионатида ду-

ненинг 71 мамлакатидан келган энг кучли спортчилар ғолиблик учун куч синишти. Иштирокчилар ўртасида Олимпия ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари ғолиб ва совриндорларининг кўплиги беллашувларнинг кескин ва мурасиз ўтишини таъминлади. Мусобақада каноеда 1000 метрга эшкак эшиш бўйича жаҳон чемпиони сифатида қатнашган ўзбекистонлик Вадим Менков мазкур масофани энг тез – 3 дақиқаю 51 сонияда босиб ўтди ва иккинчи маротаба жаҳон чемпионатининг олтин медални кўлга киритди. Бундан ташқари, Вадим 500 метрга ўтказилган беллашувларда 1 дақиқаю 48 сония натижа билан учинчи ўринни эгаллади.

– Шоҳсупанинг энг юқори поғонасида турганимда ва менинг шарофимга Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янграганида қалбим фахр ва ифтихорга тўлди, – дейди дунёнинг энг кучли каносчиси Вадим Менков. – Мен бу ғалабамни Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллик байрамига бағишлайман. Биз, спортчилар, истиқлол туфайли халқаро майдонларда ўзимиз туғилиб ўсган юрт шарафини ҳимоя қилиш имконига эга бўлдик. Мусобақа давомида Юртбошимиз, халқимиз мени кўллаб-қувватлаб турганини чуқур ҳис қилдим ва бу менга янада куч-ғайрат бағишлади, ғалабага бўлган иштиёқим ва интилишимни оширди.

ШАХМАТ

Гроссмейстеримиз пешқадам

Филиппин пойтахти Манила шаҳрида шахмат бўйича ўтказилаётган “Просперо Пичай Суп” халқаро турнирида ўзбекистонлик гроссмейстер Антон Филиппов етакчилик қилмоқда.

Оли имкониятдан беш очко жамгарган ҳолда мусобақа жадвалида биринчи ўринда бораётган Антон Филиппов еттинчи турда асосий рақибларидан бири – грузиялик гроссмейстер Мераб Гагунашвилига қарши қора доналарда ўйнайди.

TENNIS

Истомин кейинги босқичда

АҚШнинг Нью-Хейвен шаҳрида теннис бўйича эркаклар ўртасида ўтказилаётган “Пилот Пен Теннис ат Ялсе” халқаро турнирида ҳамюртимиз Денис Истомин учинчи босқичга йўл олди.

Иккинчи даврада ўзбекистонлик теннисчи германиялик Бенжамин Бейкерни 6:3, 6:1 ҳисобида енгди. Энди юртдошимиз чорак финал йўлланмаси учун словакиялик Лукаш Латско билан баҳс олиб боради.

FUTBOL

Ўзбекистон – Озарбайжон – 10:3

Футбол бўйича ўсмирлар терма жамоамиз озарбайжонлик тенгқурларини икки ўйин натижасига кўра 10:3 ҳисобида мағлубиятга учратди.

19 август куни “Пахтакор” марказий ўйингоҳида ўтказилган ўртоқлик учрашувида Алексей Евстафеев шоғирдлари ўз рақиблари устидан 3:1 ҳисобида устун келишди.

Ўзбекистон (U-16) – Озарбайжон (U-16) 3:1

Голлар: Аббос Махситалиев, 12; 54; Муҳаммад Абдуллаев, 88 – Намиқ Алескеров, 32.

“ЖАР” ўйингоҳида ўтказилган иккинчи учрашувида эса йирик ҳисоб қайд этилди.

«Ўзбекистон U-16» – «Озарбайжон U-16» – 7:2

Голлар: М.Абдуллаев 38; Т.Ҳақимов 41; Э.Жамалов 47 (автогол); А.Махситалиев 58-пен.; А.Шоғуломов 69; З.Уринбоев 75; 85 – Н.Алескеров, 2-пен.; Н.Аҳмедов, 28.

Ўзбекистон аҳолисини, жумладан, ўз мижозларимизни энг улуг байрам – Мустақиллик куни билан муборакбод этамиз!

Банк ўз мижозларига қуйидаги янги хизматларни таклиф этади:

Жисмоний шахслар учун ИНТЕРНЕТ БАНКИНГ

VISA Classic
карточкасига эга бўлинг, ва фойдаланинг.
OAT "Алоқабанк" VISA Classic карточкаси сафарларингиз учун тенгсиз ҳамроҳингиздир.

Шунингдек, банк аҳолига энг юқори фойдали "Интеллект" ва "Барака омад" омонатларини таклиф этади.

ALOQABANK

15 йил
банк хизматлари бозорда

Азизлар!
Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида қўлни-қўлга бериб меҳнат қилаверайлик. Юртимиз тинч, осмонимиз беғубор бўлсин!

"АНДИЖОН МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" МЧЖ
ЖАМОАСИ

Ўзбекистоним

Ўргялай яшнаган баҳорларингдан,
Шаркираб сув оккан анҳорларингдан,
Завқ олай кезиб мен гулзорларингдан,
Кўзларим қувнатган гўзал бўстони
Мустақил, озод юрт Ўзбекистоним.

Бағрингда ёш авлод бахтиёр, шодон,
Билимга интилар, изланар хар он,
Дилда Ватан меҳри, кезокда жаҳон,
Хеч қимдан кам эмас қизу ўғлоним
Мустақил, озод юрт Ўзбекистоним.

Боболар табаррук излари сенда,
Панду насихати, сўзлари сенда,
Бобурнинг сонинган кўзлари сенда,
Ер юзин жаннати, чин гулистоним
Мустақил, озод юрт Ўзбекистоним.

Айёминг муборак, дилдан қутлаймиз,
Фарзандлик бурчини доим оклаймиз,
Тинчликка масъулмиз уни сақлаймиз,
Доимо мусаффо бўлсин осмоним
Мустақил, озод юрт Ўзбекистоним.

Сойибназар СУЛТОНОВ,
Одилжон МИРЗАЕВ,
Шахрихон почта алоқаси тармоғи ходимлари

ANONS

Самарқандда рақамли телерадиоэшиттириш муҳокамаси

Шу йилнинг 14-15 сентябр кунлари Самарқанд шаҳрида "Рақамли телерадиоэшиттиришларни жорий қилиш ечимлари ва муаммолари" мавзuida халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилади.

Тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «UNICON.UZ» ДУК, Радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти, Электромагнит мослашув маркази ҳамда Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази ҳамкорлигида ташкил этилади. Унда рақамли эшиттиришлар ривожига оид долзарб масалалар муҳокама этилади.

Конференция ишида Россия Федерацияси, Озарбайжон, Арманистон, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон Республикалари алоқа ва ахборотлаштириш маъмуриятлари вакиллари иштирок этиши қутиляпти.

<p>Xabar</p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ</p>	<p>ТАХРИР ХАЙЪАТИ:</p> <p>Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Хайъат раиси), Асаджон ХҲҲАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шуҳрат СОДИҚОВ, Шуҳрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувоп НАЖБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Солиқжон ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p>																											
	<p>Тахририятга келган кўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar" дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Тижорий материал — ❌ Реклама матнларининг тўричилиги тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		<p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.</p>																											
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтанинг жума куни чиқади</p>	<p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>	<p>G-702 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ, Алади: 11461 нусха.</p>	<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиши вақти — 20.00.</p>																										
<p>Видеот муҳбирлари:</p> <table border="1"> <tr> <td>Андижонда</td> <td>Бухорода</td> <td>Гулистонда</td> <td>Жиззахда</td> <td>Навойда</td> <td>Наманганда</td> <td>Нукусда</td> <td>Самарқандда</td> <td>Термизда</td> <td>Тошкентда</td> <td>Урганча</td> <td>Фарғонада</td> <td>Қаршида</td> </tr> <tr> <td>226-47-80</td> <td>223-27-85</td> <td>40-12-19</td> <td>226-06-34</td> <td>225-91-10</td> <td>226-61-85</td> <td>554-35-45</td> <td>233-61-81</td> <td>224-06-12</td> <td>288-40-66</td> <td>226-37-16</td> <td>226-87-71</td> <td>314-08-99</td> </tr> </table>					Андижонда	Бухорода	Гулистонда	Жиззахда	Навойда	Наманганда	Нукусда	Самарқандда	Термизда	Тошкентда	Урганча	Фарғонада	Қаршида	226-47-80	223-27-85	40-12-19	226-06-34	225-91-10	226-61-85	554-35-45	233-61-81	224-06-12	288-40-66	226-37-16	226-87-71	314-08-99
Андижонда	Бухорода	Гулистонда	Жиззахда	Навойда	Наманганда	Нукусда	Самарқандда	Термизда	Тошкентда	Урганча	Фарғонада	Қаршида																		
226-47-80	223-27-85	40-12-19	226-06-34	225-91-10	226-61-85	554-35-45	233-61-81	224-06-12	288-40-66	226-37-16	226-87-71	314-08-99																		